

ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ



2
1140

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ

117856
TDIU
kutubxonasi 43



«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2017

УЎК: 28-24
86.38
И 40

Илмдан бошқа нажот йўқ [Матн] / А. Ғ. Абдуллаев [ва бошқ.]. - Тошкент :
Тошкент ислом университети, 2017. - 156 б.

КБК 86.38

Таҳрир ҳайъати:

А.Ҳасанов, тарих фанлари доктори, профессор
И.Усмонов, тарих фанлари номзоди, доцент
З.Ҳидоят

Муаллифлар:

т.ф.н., доц. А.Ғ.Абдуллаев, Н.Ҳакимова,
Ш.Жўраев, Ж.Каримов

Тақризчилар:

Шайх Абдулазиз Мансур,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари
Қ.Зоҳидов,
тарих фанлари номзоди, доцент

Рисолада сохта салафийликнинг келиб чиқиши, бузғунчи ғоялари ва бугунги кундаги фаолият услублари тизимли таҳлил қилинган. Қуръони карим оятлари, ҳадислар, аҳли сунна ва жамоа мазҳаблари, мотуридийлик ақидаси ҳамда машҳур уламоларнинг фикрларига таянган ҳолда сохта салафийларнинг дин асосларидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида ислом таълимотларига зид тарзда фойдаланишлари очиб берилган.

Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ходимлари томонидан «Жаҳолатга қарши маърифат» туркумида тайёрланган мазкур рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 675-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-4827-6-0

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017.
© Тошкент ислом университети
Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, 2017.

КИРИШ

«Кишиларнинг энг яхшилари – бошқа инсонларга фойдаси тегадиганлари».
(Хадис)

Сўнгги йилларда бир қатор мусулмон мамлакатларида юз бераётган ташвишли ҳолатлар ўнглаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келмоқда. Ливан, Ироқ, Сурия каби давлатларда юзага келган вазият қолаверса, минтақамизда Афғонистон мисолида бир неча ўн йиллардан бери давом этаётган беқарорлик кишини саросимага солади. Бинобарин, уруш ҳолатида бўлган давлатларда ҳеч бир соҳада ривожланиш кузатилмайди, улар дунёда кечаётган сиёсий жараёнларда тўлақонли иштирок эта олмайдилар, кўп ҳолларда улар учун бошқалар қарор қабул қилади, улар эса сиёсий ўйинларда бир қўғирчоққа айланиб қоладилар. Энг ачинарлиси, бу фожиали воқеаларни ташкил этаётган ёвуз кучлар дин омилидан устомонлик билан фойдаланмоқдалар.

Дунёда беқарорлик вазиятини келтириб чиқариб, мусулмонларни мақсадсиз жанглар, асоссиз ҳижрат каби ёлғон диний қарашлар билан заҳарлаб ўз домига тортаётган турли бузук ақидалар сирасида сохта салафийлик ғояси сўнгги йилларда турли мутаассиб оқимлар учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Гўё ислом динининг “асл моҳияти”га қайтишни баҳона қилиб олган сохта салафийлик ғояси, асрлар давомида мусулмон цивилизацияси босиб ўтган йўлни, қўлга киритилган натижаларни, тараққиётни йўққа чиқариш, мусулмонларни бир сўз билан айтганда ҳар жиҳатдан «бошланғич» ҳолатга қайтаришни тарғиб қилиб, энг аввало мусулмонларга, қолаверса, бутун инсониятга зарар келтирмоқдалар.

Сохта салафийлар исломнинг илк уч асрида яшаган «салаф солиҳлар»ни энг тўғри йўл эгалари бўлганларини ўзларига шиор қилиб, улардан кейин яшаган мусулмонларнинг барчаси

«салаф»лар каби бўлиши кераклигини даъво қиладилар. Биринчи қарашда беғараз туюлган мана шу даъволари асосида сохта салафийлар жиҳодни исломнинг олтинчи аркони, деб эълон қиладилар, «Дор ал-ислом» тушунчасини ўз манфаатлари йўлида талқин этиб ҳижрат, яъни Ватандан воз кечишни тарғиб этадилар, фикҳий мазҳабларни ботилга чиқарадилар, тараққиётдаги ҳар бир янгиликни залолат, деб тушунтирадилар, бошқа дин вакилларига нисбатан кескин мавқени эгаллайдилар, нафақат ислом динининг дастлабки кўриниши, балки ўша давр турмуш тарзининг маиший жиҳатларини мусулмонлар томонидан ўзгаришсиз бугунги кунга татбиқ этилиши имонни мустаҳкамлаш учун хизмат қилишини таъкидлайдилар. Бир сўз билан айтганда, ислом динини уруш ва қолоқлик, саводсизлик ва тоқатсизлик дини сифатида намоён этадилар.

Аммо шу билан бирга ўз ғояларини тарғиб этишда интернет форумларидан жуда унумли фойдаланиш орқали сохта салафийлар дунё бўйлаб ўз сафдошлари сонини кўпайтиришга интилмоқдалар. Афсуски, сўнгги йилларда интернет ёшларимизни маълумот олиш борасидаги чегаралардан халос этиш, тараққиётнинг ижобий ютуқларини ўз ҳаётларида татбиқ қилиш, дунё билан юзлашишга хизмат қилиш баробарида, ғаразли кимсаларнинг бузғунчи ғоялари билан заҳарланишига ҳам йўл очиб бераётган тизимга айланиб бормоқда. Айрим ёшлар орасида куфр, жиҳод, шаҳидлик ҳақидаги ҳамда «Мазҳаблар ўзи бизга нима учун керак?» қабилидаги фикҳий мазҳабларни менсимаслик оҳангида берилаётган саволларнинг туб моҳиятини англаб олиш қийин эмас.

Аслида, ислом дини инсонпарвар, ривожланган, юксак адолатли, маънавиятли ҳаётни таъминлашга қаратилган. Зеро, тинчлик ислом динининг ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъно ва мақсадларидан биридир. Шунинг учун ҳам ислом дини номидан амалга оширилаётган ҳар бир иш тинчликни ўрнатишга ёки тинчликни асраб-авайлашга қаратилган бўлиши лозим. Кўр-кўрона мутаассибликка асосланган сохта салафийлик ғояларига мусулмон шарқи мамлакатларининг уламолари ҳам ўз раддияларини бермоқдалар. Қатор халқаро